МЕТАФОРА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Ҳамида Холматовна ЖУРАҚОБИЛОВА
доцент
Қарши давлат университети
Қарши, Ўзбекистон
e-mail: hamidajurakabilova@yahoo.com
ORCID ID: 0000-0002-8833-9804

Аннотация

Мақолада XX аср тилшуносларини бирлаштирувчи лингвистик ҳодисага айланган когнитив метафорани ўрганишга доир тадқиқотлар ўрганилган ва фикрлар таҳлил қилинган. Метафора оламни билишнинг асосий усулларидан бири сифатида тилшуносликнинг янги йўналишлари нуқтаи назаридан таърифланган.

Таянч сўзлар: метафора, маъно кўчиши, когнитив метафора, когнитив тилшунослик, концептуал метафора, концепт, лингвистик ҳодиса, нутқ услуби.

МЕТАФОРА КАК ОБЪЕКТ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

Хамида Холматовна ЖУРАКОБИЛОВА
доцент
Каршинский государственный университет
Карши, Узбекистан
e-mail: hamidajurakabilova@yahoo.com
ORCID ID: 0000-0002-8833-9804

Аннотация

В статье рассматриваются исследования и анализируются мнения по изучению когнитивной метафоры, как лингвистического явления, объединяющей лингвистов XX века. Метафора определяется как один из основных способов познания мира с точки зрения новых направлений лингвистики.

Ключевые слова: метафора, перенос смысла, когнитивная метафора, когнитивная лингвистика, концептуальная метафора, концепт, языковое явление, стиль речи.

Маъно кўчишининг нутқда энг кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган усулларидан бўлган метафора антик даврданоқ кўплаб мутафаккирлар, файласуф ва тадқиқотчиларни қизиқтириб келган.

Қадимги юнон файласуфи Аристотель метафорада тилга катта экспрессив куч берадиган ижодий салоҳиятнинг истеъдоди, маҳоратини кўрди. У “метафора – сўз маъносининг жинсдан турга, турдан жинсга ёхуд турдан турга ёки муқобиллик асосида кўчишидир” [2], дея таъриф берди ва

ўз эътиборини айнан “муқобиллик” асосида юзага келган метафораларга қаратди.

Квинтилиан метафорани “қисқартирилган ўхшатиш”, Цицерон эса “бир сўзгагина қисқарган ўхшатиш”, дея таърифлайди [1].

Метафора бугунги кунда гуманитар соҳада олиб борилаётган тадқиқотларнинг энг кўп ўрганилган “анъанавий” объектларидан бири сифатида XX аср тилшуносларини бирлаштирувчи лингвистик ҳодисага айланди ва уни ўрганиш когнитив фаннинг ривожланишига асос солди.

Когнитив фанни ўрганган кўплаб олимларнинг таъкидлашларича, инсон тафаккури ва унинг билиш жараёнларини фалсафа, психология, мантиқ, тиббиёт ёки бошқа бирон-бир фан доирасида ўрганиш ва тавсифлаш жуда мураккаб. Рус тилшунос олими Е.С.Кубрякованинг таъкидлаганидек: “Когнитив фан турли хил билим соҳалари мутахассислари – психологлар ва тилшунослар, файласуфлар ва мантиқчилар, сунъий интеллект ва ахборот назарияси, математик моделлаштириш мутахассисларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш натижасида фанлараро фан сифатида пайдо бўлди”[4].

Америкалик тилшунос олим Ж.Лакофф ва машҳур файласуф М.Жонсонларнинг “Metaphors We Live By” (“Метафоры, которыми мы живём”) асари когнитив тилшунослик ва умуман когнитив фаннинг ривожланишида туб бурилиш ясади. Бу тадқиқотчилар когнитив метафоралар назариясига асос солди.

Ж.Лакофф метафорани дастлаб концептуал конструкция сифатида кўриб чиқди ва унинг инсон тафаккурининг ривожланиш жараёнидаги асосий ўрнини аниқлаб берди. Концептуал метафора атамаси илк бор 1980 йил Ж.Лакофф томонидан “Metaphors We Live By” асарида тилга олинди. Унда айтилишича, концептуал метафора бу шунчаки стилистиканинг методи бўлибгина қолмасдан, тафаккур ва фикрлашнинг усулидир. Уларнинг фикрича, аксарият одамлар учун метафора кундалик ҳаётий нутқ эмас, балки ноодатий тилга тегишли бўлган поэтик ва риторик ифода воситаси. Бундай

одамлар ҳаётда метафорасиз яшаш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Лакофф ва Жонсонлар ўзларининг “Metaphors We Live By” асарида кундалик нутқда фойдаланаётган тилимиз ҳар доим ҳам биз сезмайдиган метафоралар билан тўлалигини ва инсон тафаккур жараёнининг ўзи кўп ҳолларда метафорик эканлигини исботлаб берди [5].

Бу эса, тил ва психик ҳодисаларнинг ўзаро таъсиридаги тадқиқотларнинг, хусусан метафорани лингвистиканинг бугунги кундаги долзарб тадқиқотларидан бирига айлантирди. Рус тилшунос олимларининг таъбири билан айтганда лингвистик ҳодиса сифатида метафорага “иккинчи нафас” берди” [12].

Рус тилшунос олими “Metaphors We Live By” асарининг рус тилидаги таржимасига ёзган сўзбошисида концептуал метафорага шундай таъриф беради: “Маълум бир жамиятнинг тил ва маданий анъаналарида мустаҳкамланган, манба соҳаси ва мақсад соҳалари ўртасидаги барқарор мувофиқликлар “концептуал метафора” номини олди”. Ж.Лакофф ва М.Жонсонларнинг Европа маданиятини акс эттирувчи концептуал метафораларга “Time is money” (“Вақт – бу пул”), “Argument is war” (Баҳс – бу уруш), “Life is journey” (Ҳаёт – бу саёҳат) каби метафораларни киритганлигини, концептуал структураларга мос глобал даражадаги “когнитив моделлар” концептуал метафораларни ҳосил қилиши мумкин, улар ўз хусусиятига кўра когнитив психологиянинг фигураларини (гештальты) эслатувчи соф психологик ва когнитив категориялардир” [5], деган фикрни билдирди.

Н.Д.Арутюнова ўзининг “Метафора и дискурс” номли мақоласида рус олими Ю.С.Степановнинг шундай сўзларини келтиради: “Метафорасиз кўринмас дунёнинг (инсоннинг ички дунёси) лексикаси, абстракт тушунчаларни ифодаловчи иккиламчи предикатлар мавжуд бўлмаган бўлар эди. Уларсиз эса кенг қўлланувчи феъллар (ҳаракатни ифодаловчи феъллар) ҳам, нафис семантикани ифодаловчи феъллар ҳам мавжуд бўлмас эди” [3].

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослари томонидан ҳам метафоранинг лингвомаданий, лисоний, семантик ва лингвокогнитив хусусиятларини қиёсий аспектда ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Тилшунос олим Б.Менглиевнинг таъкидлашича, ўзбек тилшунослигида метафораларнинг ўрганилиши ўзбек тилшунослигининг истиқболли йўналишларидан бири мақомига кўтарилди [7].

Ўзбек тилшунослигида сўзларнинг кўчма маъноларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Шу ўринда таниқли тилшунос олим М.М.Миртожиевнинг сўзнинг кўп маънолиги, унга ёндош ҳодисалар ва уларнинг юзага келиш сабабларига оид тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим [9]. Олим сўзнинг лексик маъноси иккинчи бир лексик маънони ҳосил қилиш ҳодисасини ҳосила деб атайди ва ҳосила маъно юзага келишининг беш кўриниши (метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, тобелилик)ни санаб ўтади. У метафорани ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг энг фаоли деб ҳисоблайди ва тилшунослар томонидан тан олинган ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланган кўринишидир деган фикрларига қўшилади. Муаллиф шу ўринда айрим мутахассисларнинг “метафора – ўхшатишнинг қисқарган шакли” - деган фикрларига қўшилган ҳолда, ҳамма метафораларни ҳам бу қолип билан ўлчаб бўлмаслигини қуйидаги мисол орқали изоҳлаб берган: “Дарвоза сўзининг ўз ва ҳосила маъноси мавжуд. Унинг ўз лексик маъноси ҳовлига кириб чиқиладиган қурилиш комплекси бўлса, ҳосила маъноси футбол ўйинида тўп киритиладиган қурилмани билдиради. Бу ўриндаги ҳосила маънони фалон ўхшатиш қурилмасининг қисқарган шакли, деб изоҳлаш мумкин эмас” [10].

Н.Маҳмудов метафораларни ўхшатишга яқин ҳодиса деб ҳисоблайди ва уларнинг ҳам турғун ва эркин турлари фарқланишини таъкидлайди. Уларнинг турғунлари тилда барқарорлашган, умумтилга хослашган, эркинлари эса нутққа хос бўлиб, ҳар бир нутқ жараёнида янгидан яратилади [8].

Тилшунос олим Б.Менглиев лексемаларнинг семантик кўламини таҳлил қилар экан, тилда ўхшаш ва ўзаро боғлиқ тушунчаларни ифодалаш зарурияти ҳар бир янги нарса ёки тушунчани ифодалаш учун янги лексема “кашф қилмай”, мавжуд лексемалардан фойдаланишни тақозо қилишини тилда амал қилувчи тежам қонунияти билан боғлайди ва уларни лексеманинг бош сememасига нисбатан ҳосила сememаси деб атайди. Олим ҳосила сememасининг вужудга келишининг метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлик каби тўртта усулига тўхталиб ўтади. Олим “Метафора – нарса ва ҳодисалар моҳиятидаги ўхшашлик асосида бирор лексеманинг ўз хусусий ифодаланмишидан бошқа нарса ва ҳодисаларни аташ учун ишлатилиши”, дея таъкидлайди ва мутахассисларнинг фикрини давом эттирган ҳолда метафорани ҳосила семема ҳосил қилишнинг кенг тарқалган усули сифатида бадиий услубнинг, нутқнинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблайди ва тилнинг гўзаллиги ва жозибадорлигини таъминлашда унинг ролини эътироф этади [7].

Метафоралар ҳар бир халқнинг миллий-маданий хусусиятлари, анъаналари, урф-одатлари, дунёқарашини акс эттирадиган кўп қиррали лингвистик ҳодисадир. Шу боис бугунги кунда метафорани лингвокогнитив, лингвомаданий, жиҳатдан муайян бир тил, ёки турли тилларни қиёслаш, чоғиштириш доирасида ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда.

Бу эса қиёсланаётган тилларда гапирувчи халқларнинг ижтимоий-маданий алоқаларининг ривожланишига, иккала халқнинг ассоциатив тафаккуридаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларнинг аниқланишига ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида метафораларни антропоцентрик планда тадқиқ қилиш, уларнинг тил ва тафаккурга қаратилган лингвокогнитив, лингвокултурологик, психолингвистик хусусиятларини очиб бериш борасида тадқиқотлар олиб борилаётгани метафораларининг антропоцентрик табиатини ўзбек тили материали мисолида ҳам тадқиқ этишни тақозо этди. Бу борада антропоцентрик ғояларни ўзбек

тилшунослигига олиб кирган тилшунос олима Д. Худайберганованинг олиб борган илмий изланишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим [13].

Метафоранинг антропоцентрик табиатига алоҳида урғу берган олима когнитив метафоралар ҳақидаги назарияларга асосланиб, метафора ҳодисасига қуйидагича таъриф беради: “Когнитив метафора шахс когнитив фаолиятига хос ҳодиса бўлиб, бир тушунча ёки ҳукм ҳақидаги билим структуралари асосида иккинчи тушунча ёки ҳукмни категориялаштиришдир”. Олима шу ўринда Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар тадқиқотида таҳлил этилган *вақт – бу пул, вақт – бу чекланган заҳира, вақт – бу қимматбаҳо буюм* когнитив метафоралари ўзбек тилида сўзлашувчи тил соҳиблари нутқида ҳам учраши мумкинлигини қуйидаги мисолларда келтириб ўтган: *Бу ишга кўп вақт* ***сарфладим****; Вақтим* ***тугай*** *деяпти; Беҳуда ишлар вақтни* ***ўғирлайди*** [14].

Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар оддий тилдаги метафорик иборалар инсоннинг кундалик фаолиятини ташкил қилувчи тушунчаларнинг метафорик табиатини қандай ёритиб бериши мумкинлигини замонавий инглиз тилидаги “Time is money” (“Вақт – бу пул”) метафорик тушунчаси орқали қуйидагича изоҳлаб берган:

You’re wasting my time. Сиз менинг вақтимни беҳуда *сарф қиляпсиз*.

This gadget will save you hours. Ушбу қурилма сизнинг кўп *вақтингизни тежайди.*

I don’t have the time to give you. Менинг сенга ажратадиган *вақтим йўқ.*

How do you spend your time these days? Сен вақтингни *қандай ўтказдинг?*

I’ve invested a lot of time in her. Мен унга кўп *вақт сарфладим*.

Европа маданиятида *“вақт – бу қимматбаҳо буюм”, “вақт – бу мақсадга эришиш учун фойдаланадиган чекланган захира”* эканлиги замонавий ғарб маданиятида *меҳнат* тушунчаси одатда унга сарфланган вақт билан ўлчанишида ўз тасдиғини топган.

Шу ўринда кундалик ҳаётимизда ишлатадиган: “*Вақтимни ўғирладинг; Вақтингни тежашинг керак; Бу матнни таржима қилишга бир соат вақт йўқотдим”* каби мисолларга эътиборни қаратадиган бўлсак, *вақт – бу пул,* когнитив метафорасидаги мавҳум “*вақт”* тушунчасини худди моддий нарса каби, уни *тежаш, ўғирлаш, йўқотиш* мумкинлигини англаш мумкин.

Бу субкатегорик муносабатлар метафоралардаги қуйидаги муносабатларни келтириб чиқаради: “вақт – пул” метафорасидан “вақт” – чекланган захира” метафораси, ундан “вақт”– “бу қимматбаҳо буюм” метафоралари ҳосил бўлади [5].


Тадқиқотчи З.Ҳакимова оддий метафоралардан концептуал метафораларнинг фарқини улар концептнинг лингвистик ва лингвистик бўлмаган изоҳларидаги маъноларини, баъзи матнларда ўша концептнинг структурасини очиб бериши каби хусусиятларида кўрсатиб ўтади [11].

Метафоризация иккита билим структураси “манба” (source domain) ва “мақсад” (target domain) когнитив структураларининг ўзаро таъсирига асосланади. Метафоризация жараёнида мақсаднинг баъзи соҳалари манба модулига мувофиқ тузилади [5]. Яъни, концептуал метафора иккита концептуал тармоқ орқали, яъни мақсад ёки асос ва манба (target and domain) орқали ўзаро муносабатга киришади ва концептуал мақсад берилган концептдаги бир қанча билим структураларини ўз ичига олади.

Манба соҳаси бу инсон томонидан воқелик билан бевосита ўзаро таъсир жараёнида олинган конкрет билимлар, Б.Рассел терминологияси билан атаганда “танишиш асосидаги билимлар”. Мақсад соҳаси эса манба соҳасига қараганда унчалик тушунарли, унчалик конкрет ва аниқ бўлмаган билимлар, “аниқлаш асосидаги билимлар”дир.

Буни “*Умр – бу китоб*” когнитив метафораси мисолида кўрадиган бўлсак, тасвирланиши керак бўлган мақсад (нишон) қисми “умр”, метафорага оид манба қисми “китоб” бўлиб, мақсад қисмининг мағзини очиб беради.





УМР – БУ КИТОБ

Умр китоб, уни ҳамма ўзи ўқиши керак.

У ҳаётнинг яна бир саҳифасини очди.

Бу унинг ҳаётидаги янги саҳифа бўлди.

Ҳар кимнинг ҳаёт китоби ҳар хил.

Мен унинг номини катта ҳарфлар билан ёзиб қўйганман.

Унинг китоби ўқилмасдан ёпилди.

У китобининг сўнгги саҳифасини ёпди.

Мисоллардан кўриниб турибдики, бу гапларнинг ҳеч бири шунчаки мажозий маънода эмас, балки "*Умр – бу китоб*" концептуал метафорасига асосланган ва шу ўринда Ж.Лакофф ва М.Жонсонларнинг "метафора кундалик ҳаётий тажрибалардан бутунлай бошқа соҳага ўтиш механизмдир" [5], деган фундаментал фикрини ёдга олиш ўринлидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги дунё тилшунослигида метафора ҳодисасини ўрганиш борасида етарлича билим ва кўникмалар мавжуд бўлишига қарамай, унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда, айниқса унинг тафаккур ва инсон омили билан боғлиқ хусусиятлари изланишлар марказига қўйилмоқда. Бу эса тил ва тафаккур масалалари инсон онгида билиш жараёнлари билан боғлиқ янги ғоялар шаклланишида устувор омилдир. Маълумки, ушбу масалалар айниқса тилларнинг лингвокогнитив, лингвомаданий аспектларида яққол намоён бўлади. Мутахассислар таъкидлаганидек, "тил маданият билан чамбарчас боғлиқ: у унда униб чиқади, ривожланади ва уни ифодалайди"[6].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Античные теории языка и стиля /Под редакцией О.М.Фрейденберг. – Ленинград, 1936. – 219 с.
2. Аристотел. Поэтика. – Ленинград, 1927.
3. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. Теория и метафоры. Под редакцией Н.Д.Арутюновой и М.А.Журинской. Э.Кассирер, Р.Якобсон, А.Ричардс, М.Блэк, Дж.Серль, Д.Вежбицка, А.Ортони, Дж.Лакофф, Н.Гудмен и др. – Москва: Прогресс, 1990.
4. Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира / Рос. академия наук. Ин-т языкознания. – Москва: Языки славянской культуры, 2004.
5. Лакофф Джордж, Джонсон Марк. Метафоры, которыми мы живем: Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.Н.Баранова. – Москва: Едиториал УРСС, 2004.
6. Маслова В. Лингвокультурология. – Москва: Академия, 2001.
7. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент: Тафаккур Бўстони, 2018.
8. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013.
9. Миртожиев М.М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1984. – 140 б.
10. Миртожиев.М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
11. Hakimova Z.T. Kognitiv tilshunoslikda metafora termini va unga turlicha yondashuvlar //"Science and Education" Scientific Journal / ISSN 2181-0842. Volume 3 Issue 5. 2022. -B.1976-1981. http://www.openscience.uz.
12. Осокина С.А, Карпухина В.Н., Савочкина Е.А. Лингвистические исследования метафоры: краткий обзор //Мир науки, культуры, образования, 2021. – № 4 (89). – С.423.

13. Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол. фан. доктори. дисс. автореф. – Тошкент, 2015. – 36 б.

14. Худайберганова Д.С. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.